ЭКЗЕМПЛЯР Ф.Б. ТашГУ Читального зала

Самарқандликлар азиз меҳмонни нон-туз билан кутиб олдилар.

# ¡VIVA CUBA! ¡VIVA FIDEL!

***Самарқанд Куба революциясининг йўлбошчисини зўр шодлик билан кутиб олди*** **Бир шаҳарга боришинг билан иккинчи бир шаҳар сени ўзига жалб этади. Бунга сабаб шуки, бу ерлардаги энг ажойиб нарса инсондир, дейди Фидель Кастро * Кубалик азиз меҳмонлар янги ерларни ўзлаштираётган чўл лочинларининг иши билан танишдилар**

***Ҳамма ерда „Вива Фидель! Вива Куба!“ сўзлари баралла янграб турди.***

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши № 110 (12.463) | Шанба, 11 май 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

## ҒОЯВИЙЛИК АДАБИЁТИМИЗ ҚАЛБИ

Совет адабиёти ўзининг ҳаққонийлиги, халқчиллиги билан прогрессив кишиликнинг меҳр-муҳаббатини қозонди, мисли кўрилмаган даражада тараққий этди. Социалистик реализм адабиёти ўзининг бой революцион анъаналарига эга. Адабиётимизнинг юзлаб нодир асарлари коммунизм қурасётган халқимизнинг буюк ишида кўмакчидир, озодлик йўлида империализмга қарши кураш олиб бораётган мазлум халқлар учун ибратдир.

Юксак ғоявийлик ва бадиий маҳорат ҳамма вақт совет адабиётининг буюк кучи ва юксак фазилати бўлиб келди. Бу куч ва фазилат адабиётимизнинг шуҳратини оширди, уни бутун жаҳонда энг илғор, энг прогрессив адабиёт сифатида тараққийпарвар инсоният қалбида чексиз муҳаббат туғдирди.

Партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувида ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев: **«Санъаткорнинг вазифаси — ўз асарлари билан коммунистик ғояларнинг қарор топишига, социализм ва коммунизм душманларига қақшатқич зарбалар беришга, империалистларга, мустамлакачиларга қарши кураш олиб боришга актив кўмаклашишдир»** деди. Ҳамма вақт партиявий ва революцион бўлган совет адабиёти кураш йилларида ҳам, ҳозирги тинч-қурилиш йилларида ҳам партиямизнинг содиқ ёрдамчисидир. Совет ёзувчиси қалб амри билан ёзади, бу қалб партиямизга, Ватанга, халққа бағишлангандир!

Умумсовет адабиётимизнинг катта отрядларидан бири — Ўзбекистон адабиёти бекиёс юксалди, яхши асарлар яратилди, унинг йирик намояндаларининг донги узоқ қитъаларга ҳам бориб етди. Салкам ярим аср мобайнида бу адабиёт Ҳамза, С. Айний, Ойбек, Ғафур Ғулом, Яшин, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Шайхзода, Зулфия сингари атоқли ёзувчиларни ва юзлаб талантли шоир, адибларни тарбиялаб вояга етказди. Ёзувчилар халқимиз муҳаббатини қозонди, ажойиб санъатлари билан эл фахри бўлиб қолди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг яқинда эълон қилинган — «Халқ ёзувчиси» ва «Халқ шоири» деган юксак унвонлар таъсис этиш ҳақидаги фармони санъаткорлар ҳақида қилинаётган олижаноб гамхўрликнинг ёрқин далилидир.

Бугун халқимиз атоқли шоир ва адиб, файласуф олим ва публицист, қирқ йилдан буён эл-юрт бахтини куйлаб келаётган Ғафур Ғуломнинг табаррук 60 ёшга киришини, ижодий фаолиятининг қирқ йиллигини нишонламоқда. Улкан шоиримиз юбилейи муносабати билан республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида адабий кечалар, учрашувлар бўлиб ўтди. Ғафур Ғулом — чинакам халқ шоири, унинг ҳаёти халқ билан бирга. Куба шоири Н. Гильен унга бағишлаб ёзган шеърида «гуллаган мамлакат, бахт топган эл куйчиси...» деб уни таърифлади. Шоиримиз бутун ижоди билан партиямиз, халқимиз ишларига, чақириғига ҳамма вақт лаббай деб жавоб берувчи, чарчамас ижодкордир. Унинг асарлари ёш авлодни коммунистик руҳда тарбияламоқда, гражданлик туйғуси билан суғорилган янграк шеърлари халқимизнинг севикли қўшиқларига айланди. Ғафур Ғулом ўзининг ўлмас асарлари билан М. Шолохов, М. Рильский, Н. Тихонов, Б. Кербобоев, А. Твардовский, В. Лацис, Л. Леонов, С. Муқонов, С. Маршак каби севиклидир.

Ғафур Ғулом ўзбек шеъриятида янги, новаторлик мактабини яратган, кўплаб ёш ёзувчиларга маҳорат илмини ўргатиб вояга етказган, бадиий меросни марксистик ўрганиб, кўп асрлик адабиёт тарихимизни даврлари билан пухта биладиган донишманд адибдир.

Навқирон совет адабиёти дунёга янги келган адабиётдир. Қаҳрамонлик, қардошлик туйғулари, оптимизм, меҳнатга, партияга, халққа, Ватанга муҳаббат, қувноқлик — унга хос ажойиб фазилатлардир. Ҳаётдан нолиш, худбинлик, сохталик — инқирозга юз тутган буржуа адабиётига хосдир; бу адабиёт сотқинлар, миллионерлар, одобсизлар адабиётидир.

Адабиётимизда гражданлик пафослари, инсоний туйғулар билан суғорилган шеърларни: «булларнинг даври ўтган қуруқ риторика, мадҳ» дейдиган баъзи ёш ўртоқлар хато қиладилар! Биз ҳеч қачон халқимизнинг буюк ишларидан четда, кабинетларда ёзилган, ҳаётий бўлмаган шеърларни адабиёт намунаси деб айтолмаймиз. Адабиётимиз кекса авлоди билан ёшлар ўртасида ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ, кекса авлод ижодига катта ҳурмат билан қараймиз. Ҳалол меҳнатдан қочиб, қуруқ шуҳрат кетидан кетувчилар халқимизга муносиб асарлар ярата олмаслиги ҳаммага маълум, Ўзбек совет адабиёти ҳар қачонгидай соғлом, у партиямиз Марказий Комитети атрофига жипслашган, халқ ишига қодир ва содиқ адабиётдир.

Совет ёзувчиси ўз асарларида гигантлар қураётганларни, Енисейдек азм дарёлар жиловини қўлга олаётганларни, мўл пахта ҳосили етиштираётганларни, саноатимиз машъаллари образини яратмоғи керак. Ҳаётимиз учун типик бўлмаган баъзи қолоқликлар эмас, мамлакатимиз учун ҳалол ва мардонавор меҳнат қилаётганларгина асарларимиз қаҳрамони бўла олади. Бутун бир улуғ мамлакат, қурилишлар, қанчалар олижаноб кишилар бу ёқда қолиб, ахлат ўраларини титкилаб ундан мавзу излаш совет ёзувчисининг иши эмас, унга ётдир.

Республика ижодий ташкилотлари: ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, кинематография союзлари, барча ижодий ходимлар партия ва ҳукумат раҳбарлари билан учрашувда илгари сурилган фикрларни, ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқини, унда белгилаб берилган вазифаларни чуқур ҳис этиб, ўрганиб чиқишлари керак. Ижодий интеллигенцияни тарбиялаш союзлар бошланғич партия ташкилотлари, область ва шаҳар партия ташкилотларининг ҳам муҳим вазифаларидан биридир. Ижодий союзларда ўтадиган муҳокама, мунозараларда танқид ва ўз-ўзини танқид юқори савияда, принципиал бўлсин. Юз хотир қилиш, принципсизлик оқибатида баъзан хом асарлар юзага чиқиб қолмоқда, баъзида эса яхши асарлар узоқ вақт ғаладонларда ётади. Ижодий ташкилотлар, уларнинг правлениелари ёш ёзувчиларга яқиндан ёрдам бериши, консультация, семинар, муҳокамаларни мунтазам равишда юксак савияда ўтказишлари, бу ишда тажрибали ижодчиларни актив жалб этиши лозим.

Яқинда КПСС Марказий Комитетининг идеология масалаларига бағишланган пленуми бўлади. Ҳар бир совет ёзувчиси олдида катта ва фахрли вазифа турибди. Мўъжизалар яратаётган давримизга муносиб, совет киши образини бутун тўлалиги билан кўрсатувчи, ҳаққоний ва халқчил асарлар яратайлик.

# АЖОЙИБ УЧРАШУВЛАР КУНИ

## ФИДЕЛЬ КАСТРО САМАРҚАНД ВА МИРЗАЧЎЛДА

Ўзбек эли меҳмондўст элдир. Ўзбекистоннинг одамлари очиқ кўнгиллилиги билан, водийлари ва ложувард осмон билан ўпишиб турган тоғлари ўзининг гўзаллиги билан машҳурдир. Бир шаҳарга боришинг билан иккинчи бир шаҳар сени ўзига жалб этади, бир қишлоқни кезиб чиққанингдан кейин, яна ўнлаб бошқа қишлоқларни сайр этгинг келади. Бунга сабаб шуки, бу ерлардаги энг ажойиб нарса инсондир, халқ орасидан чиққан инсондир, унинг меҳнат самараларидир, — деди Фидель Кастро Ўзбекистонга қилган сафарининг ана шу янги, ажойиб кунидан олган таассуротини баҳам кўриб.

Социалистик революция бирлашган партияси Миллий раҳбарлигининг Биринчи секретари, Куба Республикаси революцион ҳукуматининг Бош Министри Фидель Кастро ва унинг ҳамроҳлари 10 майда эрталаб махсус поездда Ўзбекистоннинг йирик саноат ва маданий маркази Самарқандга келишди.

Самарқанд аҳолиси Куба революциясининг йўлбошчисини зўр шодлик билан, гуллар билан кутиб олди. Шаҳар меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари вокзал перронига тўпланган эди. Булар орасида Самарқанд саноат область партия комитетининг биринчи секретари А. А. Ҳўжаев, Самарқанд қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари О. М. Маҳмудов, Самарқанд саноат область ижроия комитетининг раиси Ғ. Ғ. Юсупов, Самарқанд қишлоқ область ижроия комитетининг раиси С. Асомов ва бошқалар бор.

Куба қаҳрамонига нон-туз тақдим этадилар. Ёш ленинчилар уни қуршаб олиб:

— Фидель — Хрушчев! Вива Куба! — деган сўзларни қайта-қайта такрорлайдилар.

Пионерлар Фиделга гулдасталар тақдим этадилар.

Самарқандниинг кўчалари кенг. Аммо бугун азиз меҳмонни кутиб олиш учун шу қадар кўп одам тўпланган эдики, улар кўчаларга сиғишмасди. «Кинап» ва «Красный двигатель» заводларининг ишчилари, Ўзбекистондаги энг катта олий ўқув юрти — Самарқанд университети ва медицина институтининг олимлари, студентлари, атроф-теваракдаги қишлоқлардан келган кишилар машиналар кортежи борган бутун йўлнинг икки томонига зич бўлиб саф тортган эдилар. Одамлар Фидель Кастро ва Никита Сергеевич Хрушчевнинг портретларини, Куба Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг ранг-баранг байроқчаларини баланд кўтариб олганлар. Қизил транспарантларга Куба халқига ва унинг миллий қаҳрамонига қардошларча салом сўзлари ёзилган.

Кубалик меҳмонлар тушган машиналардан бирининг ёнига дўппи кийган бир ўспирин югуриб келади.

— Дўстим, буни қабул қилиб ол! — деб ўзига ўхшаш қорачадан келган кубалик ўспирипга гулдаста тақдим этади.

Эҳтимол, бу йигит Кубага юборилаётган кўп маҳсулотларни тайёрлаётган ишчиларнинг биридир.

Самарқандниинг ўзига хос ҳусни бор. Бу ерда замонавий заводлар, институтлар билан бир қаторда, қадимий халқ меъморининг давлат томонидан эҳтиёт қилиб сақланаётган ажойиб ёдгорликлари ҳам бор. Кубалик меҳмонлар ўтмишдаги усталар — архитекторлар, ғишт терувчилар, кулоллар, ўймакорлар, наққошларнинг ажойиб ижодини зўр иштиёқ билан томоша қилдилар.

Фидель Кастро ва унинг йўлдошлари Шоҳизинда архитектура ансамбли билан, улуғ ўзбек олими Улуғбекнинг жаҳонга донги кетган расадхонаси билан, Регистондаги иншоотлар комплекси ва Темир мақбараси — Гўрамир билан танишдилар.

Мирзачўлнинг жанубий чеккасидаги шаҳар — Жиззахга қараб йўл олган Фидель Кастрони ва унинг сафдошларини самарқандликлар самимий кузатиб қолдилар.

Ҳали яқиндагина ташкил этилган янги область — Сирдарё областининг ерлари ана шу жойдан бошланади. Очилаётган қўриқ ерлар ўлкаси шу жойдан бошланади.

Қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар Фидель Кастрони нон-туз билан кутиб олдилар. «Москва» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Носиров, Жданов номли колхознинг бригада бошлиғи С. Сариқулов ва бинокорлик материаллари комбинатининг кранчиси А. Калачевалар дастурхон кўтариб, унга пешвоз чиқдилар.

Кутиб олувчилар орасида Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Маҳмудов, Сирдарё область ижроия комитетининг раиси Е. Т. Тасанбоев ва бошқалар бор.

...Кенг, равон магистрал машиналар колоннасини қўриқ ерларнинг қоқ марказига олиб боради. Бу ерлар алоҳида манзара касб этган, ҳамма жойда янги ҳаёт нафаси, ҳарорати сезилиб турибди. Кўм-кўк пахта далалари уфққа бориб туташган, сув ўтказмайдиган темир-бетон новлардан ясалган каналлар ер сатҳидан баланд кўтарилган. Юқори вольтли электр узатиш линияларинии поёни кўринмайди. Мана, қўриқ ерларни ўзлаштирувчиларнинг поселкалари — икки қаватли уйлар қурилган агрошаҳарчалар.

— Бу қандай бино? — деб сўрайди Фидель Кастро Жданов номли колхоз бригадаларидан бирининг дала шийпонига имо қилиб.

Бу ерда танаффус вақтида колхозчиларнинг дам олишини унга айтиб берадилар. Қўриқ ерликларнинг меҳмони дала шийпонига боради ва гилам устида бригада бошлиғи Ахвай Ўралов ва колхоз раиси Иўлдош Тошпўлатов билан ёнма-ён чордона қуриб ўтиради. Куба Революцион ҳукуматининг бошлиғи Куба деҳқонлари ҳам экиб етиштира бошлаган қимматли қишлоқ хўжалиги экини тўғрисида тажрибали пахтакорлар билан суҳбат қилади.

Бирин-кетин саволлар берилади. Бош Министр ва колхозчи — бригада бошлиғи қўйин дафтарларини очадилар. Фидель Кастро бригаданинг қандай қилиб мўл ҳосил — гектар бошига ўттиз беш центнердан «оқ олтин» етиштираётганлиги билан, ҳар бир колхозчининг ҳиссасига қанча меҳнат тўғри келиши билан, колхозчининг меҳнати қандай ҳисобга олинаётганлиги ва бу меҳнатга қанча ҳақ тўланаётганлиги билан қизиқади. Фидель Кастро хўжаликнинг турли-туман ишлари билан шу қадар қизиқиб кетдики, унинг олдида пахтакорларнинг кундалик меҳнати ёзилиб борган дафтари очиб кўрсатишга, дала ишлари графиги тўғрисида, меҳнатнинг қандай ташкил этилаётганлиги ҳақида батафсил сўзлаб беришга тўғри келди.

(Давоми иккинчи бетда).

Фидель Кастро Самарқанд ёдгорликларини томоша қилмоқда. В. Кожевников ва Р. Шамсиддинов фотолари (ЎзТАГ фотохроникаси).

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Тошкент олий партия мактаби КПСС тарихи кафедрасининг доценти Елена Михайловна Гриднева 60 ёшга тўлганлиги муносабати билан, узоқ йиллардан буён илмий-педагогик иш олиб бораётганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

## ҒАФУР ҒУЛОМ — ХАЛҚ ШОИРИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**Ёзувчи Ғ. ҒУЛОМОВ (ҒАФУР ҒУЛОМ)НИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Совет адабиётини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан ёзувчи Ғафур Ғуломович Ғуломов (Ғафур Ғулом) Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ,
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1963 йил 9 май.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**Ғ. ҒУЛОМОВГА (ҒАФУР ҒУЛОМГА) «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ШОИРИ» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Совет Ўзбекистони адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматларини эътиборга олиб, туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан Ғафур Ғуломовга (Ғафур Ғуломга) «Ўзбекистон ССР халқ шоири» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри, 1963 йил 9 май.

*Ғафур Ғуломнинг 60 йиллик юбилейига бағишланган материалларни газетамизнинг учинчи саҳифасида ўқийсиз.*

# ЯШАСИН СОВЕТ ВА КУБА ХАЛҚЛАРИНИНГ БУЗИЛМАС, АБАДИЙ ДЎСТЛИГИ!

# АЖОЙИБ УЧРАШУВЛАР КУНИ

(Боши биринчи бетда).

Фидель Кастро Куба Республикасининг экономика министри Рехино Боти Леонни суҳбатга жалб этади. Дала шийпонида Ўзбекистон колхозчиларининг тажрибаларини Куба пахтачилигида қўлланиш йўлларини муҳокама қилишга киришадилар.

Фидель Кастро ўзининг янги дўстлари билан самимий хайрлашиб, суҳбат гоят самарали ва фойдали бўлганлигини айтди.

Қўриқ ердаги «Пахтакор», 6-совхоз, «Правда» совхозининг далалари машиналарнинг ойнасидан яққол кўзга ташланади. Мирзачўлдаги хўжаликларнинг 183 минг гектар пахта майдони бор. Қўриқ ерлардаги ана шу хўжаликлар етти йилликнинг бешинчи йилида Ватанга 414 минг тонна «оқ олтин» беришга аҳд қилганлар.

...Шу пайтда ҳаво айниб қолди. Осмон булутланиб, ёмғир ёғишига қарамай, қўриқ ерлар билан танишиб чиқиш давом эттирилди. Фидель Кастро ва унинг йўлдошлари машиналардан тушиб, даштга қараб йўл оладилар. Бу ерлар ҳали ўзлаштирилган эмас. Фидель Кастро қўриқ ернинг нимадан иборат эканини билишга қизиқиб, бир ҳовуч тупроқни олиб кўради.

Ана шу толмас киши ёмғирдан кейин намланиб қолган дашт-биёбонни кеза бошлайди. Ям-яшил қирда боқилаётган қўйлар отари унинг эътиборини жалб этди.

Фидель Кастро чўпон ёнига келиб, у билан кўришади.

— Маҳмуд Мўминов, — Свердлов номли тожик колхозиданман, деб ўзини таништиради чўпон.

— Биз Ўзбекистон тупроғидан чиқиб кетдикми? — деб таажжубланади Фидель.

Қардошлик расмларига кўра, иттифоқчи республикалар ўз яйловларини ва бошқа ҳар қандай мол-мулкларини бир-бирларига бепул берадилар, шунинг учун ҳам тожик колхози ўз молларини Ўзбекистон яйловларида боқмоқда, деб изоҳ беради Ш. Р. Рашидов.

Фидель Кастро республикалар ўртасида шундай ўзаро муносабатлар ўрнатилганида кўп тилларни билиш кераклигини айтади. Чўпон ўз она тилидан ташқари рус ва ўзбек тилларини ҳам яхши билар экан.

Чўпоннинг катта чодирини кўриб, Фидель Кастро чодирни бу ерга қандай олиб келганликларини суриштириб билади.

— Чодирни машинада олиб келишди, — деб жавоб қайтарди Маҳмуд Мўминов. — Уни менга озиқ-овқат, газеталар, хуллас керакли нарсаларнинг ҳаммаси келтириладиган машинада олиб келишдилар.

— Қўйлар учун транспортнинг нима кераги бор?

Суҳбатга Ш. Р. Рашидов аралашади. Ш. Р. Рашидов айтадики, зарур бўлиб қолган пайтларда, яйловлар ўтиш қийин бўлган жуда узоқ районларда жойлашган тақдирда қўйчивонлар ҳатто авиациянинг ёрдамидан ҳам фойдаланадилар.

— Бу жуда қимматга тушмайдими?

Икки ўртадаги масофа узоқ бўлганида қўйларни самолётларда ташиш ҳайдаб боришдан кўра иқтисодий жиҳатдан фойдали эканлиги аниқланади. Қўйлар ўз вазнини сақлаб қолишади.

Хайрлашиш вақтида чўпон оқ рангдаги қўзини Фидель Кастрога совға қилади.

Фидель Кастро чўпон билан суратга тушади ва ўз авторучкасини унга туҳфа қилади.

Шундан кейин Жанубий Мирзачўл каналининг марказий тармоғидаги бош иншоотга борилади. Ана шу канал ёрдами билан қўриқ ерлардаги уч юз эллик минг гектар майдон суғорилмоқда.

— Бу канал бундан ҳам кўпроқ майдонни суғора оладими? — деб қизиқади Фидель Кастро.

— Бу нарса кўзда тутилган, — дейди «Голодностепстрой»нинг бош инженери Е. И. Озерский. — Биз канал ўзанига бетон ётқизиб, сувнинг ерга сингиб кетишига йўл қўймаймиз, сув оқимини тезлатамиз. Насослар ўрнатилганидан кейин яна юз минг гектар майдонни суғора оламиз.

Фидель Кастро иншоотни эътибор билан кўздан кечириб, уни қуриш учун қанча маблағ сарфланганлигини суриштириб билади.

— Биз Сапата ярим оролида шу хилдаги иншоотни қуришимиз керак, дейди у.

Пахтакорларнинг катта бир группаси Фидель Кастро ҳузурига келади. Булар орасида 6-совхоз коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Инобат Охунова, 7-совхознинг директори Улуғбек Юсуповлар ҳам бор эди. Яна пахта етиштириш тўғрисида гап бошланади.

— Совхозингизда бир ишчига неча гектар ер тўғри келади? — деб савол беради Фидель Кастро совхоз директорига.

— Беш гектар.

— Бу, — дейди Фидель Кастро, — Жданов номли колхозда-гидан анча ортиқ-ку. Сизлар меҳнат унумдорлигини қандай йўл билан оширдингиз?

— Биз ҳамма ишни машиналар билан бажармоқдамиз, — деб изоҳ беради У. Юсупов.

Ўзбекистонда икки кун ичида пахта тўғрисида кўп нарса билиб олган Фидель Кастро шундай савол беради:

— Ғўза туплари қандай ростланади? Менинг билишимча, бу иш қўл кучи билан бажарилса керак.

— Бизда бунга бутунлай эҳтиёж қолмади. Янги конструкциядаги сеялкалар ҳар бир уяга белгиланган миқдорда уруғ ташлайди. Шу сабабли ортиқча ғўза туплари бўлмайди.

Фидель Кастро Сирдарё областининг маркази Янгиердаги қўриқ ерликлар билан суҳбат қилган вақтда ҳам пахта тўғрисидаги гаплар давом эттирилди.

Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Маҳмудов азиз меҳмонни Мирзачўлнинг барча меҳнаткашлари номидан табриклайди ва қўриқ ерларни ўзлаштирувчиларнинг ишларини тасвирловчи фотоальбомни унга тақдим этади. Фидель Кастро ҳурматли меҳмонлар дафтарига ўз таассуротини ёзиб қолдиради. Шундан кейин Фидель Кастро бундай деди:

— Биз бугун Самарқанд шаҳри ва Мирзачўл районлари билан гоят қизиқиб танишдик. Бир кун ичида бу ерда ҳамма нарсани кўздан кечириш иложи бўлмаса ҳам, кўп нарсани кўра олдик. Бу сафар биз учун жуда фойдали ва жуда мароқли бўлди. Биз деҳқонлар, совхоз ишчилари ва қурувчилар билан гаплашиш имконига эга бўлдик. Улар ўз ҳаётлари ва меҳнатлари тўғрисида, ишлаб чиқаришни қандай ташкил этаётганликлари ҳақида бизга сўзлаб бердилар. Биз кўрган ва эшитган нарсаларнинг ҳаммаси бизда кучли таассурот қолдирди.

Аммо, деб уқтириб ўтди Фидель Кастро, бизни энг кўп қизиқтирган нарса инсондир, халқ орасидан чиққан инсондир. Мен шу бугун кўришган чўпон билан бутун кун бўйи гаплаша олишимга аминман.

Сўнгра Кастро Мирзачўлда партия ташкилотлари кўп иш қилганликларини таъкидлади.

Куба Бош Министри Мирзачўлда қилинган ишларнинг ҳаммаси социалистик жамиятнинг тантанасига кўп ёрдам берганлигини айтди. Бу эса деди у, Совет Иттифоқи коммунизм қурилиши йўлига қатъий ўтиб олганлигини ёрқин исбот этувчи далилдир. Биз мамлакатингизнинг истиқболини аниқравшан кўриб турибмиз. Биз ғалабангиз таъминланганлигига аминмиз.

Фидель Кастро ўзининг қисқача нутқини шундай савол билан тамомлади: бу районни Мирзачўл деб атаб келаётганлигингизга сабаб нима? Бу районни мўл-кўлчилик районы деб аташ пайти келмадимикин?

Фидель Кастро қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар билан самимий хайрлашади.

— Дўстимиз Фидель, Сизга янги муваффақиятлар, янги ғалабалар тилаймиз! — дейди улар азиз меҳмонга.

Социалистик революция бирлашган партияси Миллий раҳбарлигининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Революцион ҳукуматининг Бош Министри Фидель Кастронинг бу сафарида Социалистик революция бирлашган партияси Миллий раҳбарлигининг ташкилий масалалар бўйича секретари Эмилио Арагонес Наварро, Социалистик революция бирлашган партияси Миллий раҳбарлигининг аъзоси, Куба Революцион қуролли кучлари министрининг ўринбосари Серхио дель Валье Хименес, Социалистик революция бирлашган партияси Миллий раҳбарлигининг аъзоси, Куба Ғарбий революцион армияси қўмондони Гильермо Гарсиа Фриас, Социалистик революция бирлашган партияси Миллий раҳбарлигининг аъзоси, Куба Революцион ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондони Рауль Курбело Моралес, Куба Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Карлос Оливарес Санчес ва Озодлик оролидан келган бошқа вакиллар унга ҳамроҳ бўлдилар.

СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССРнинг Куба Республикасидаги элчиси А. И. Алексеев, СССР Ташқи ишлар министрлиги Латин Америкаси мамлакатлари бўлимининг мудири В. И. Базикинлар кубалик дўстлар билан бирга сафар қилдилар.

КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси раисининг ўринбосари С. М. Веселов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Е. С. Насриддинова, И. И. Федюнинский, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат Г. Ф. Наймушин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. О. Азимов, Ҳ. Эргашевлар ҳурматли меҳмонга ҳамроҳ бўлдилар.

Кечқурун Фидель Кастро ва унинг ҳамроҳлари Янгиердан Тошкентга қайтиб келдилар.

**Қ. УЗОҚОВ, М. ГЕРАСИМОВ, Е. ЕФИМОВ, Е. МАЙОРОВ, Н. ЧИГИРЬ.**
**(ТАСС—ЎзТАГ мухбирлари).**

Фидель Кастро Мирзачўлда ирригация иншоотлари билан танишди.
В. Кожевников ва Р. Шамсиддинов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Кубалик меҳмонлар мирзачўллик пахтакорлар билан суҳбатлашмоқдалар.
А. Ляпин ва А. Палехов фотоси.

# ТУТАШ ҚАЛБЛАР

Тошкентнинг кенг ва серқатнов Шота Руставели кўчасидан жануб томонга қараб чўзилган, «Заводская» деб аталган обод ва дуркун кўчада 30-махсус техника билим юрти жойлашган. Мана, саккиз ойдирки, «Заводская»нинг бағри янада тўлиб қолди. Унинг соҳиблари орасида жингалак сочли, кўзларида ғайрат ўти ёнган қувноқ ёшларни кўриш мумкин эди. Улар ўзи узоқ бўлса ҳам, кўнгли яқин бўлган Куба халқининг фарзандлари. Ҳунар билим юртининг коллективи узоқ Кубадан ўқиш учун келган 46 ёшни қизғин қучоқ очиб қарши олдилар. Кубалик ёшлар билим юрти ўқувчилари билан опоқ-чопоқ бўлиб кетишди. Улар бу ерда автомобиль ремонти бўйича механик, термист ва бошқа кўпгина ҳунарларни ўрганмоқдалар. Ўқув юртида ёшларнинг ўз мутахассисликларини яхши эгаллашлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Ўқитувчилардан Тамара Афанасьевна Слишина, Ольга Ким ва бошқалар кубалик ёшларга рус тилини меҳр билан ўргатишяпти. Улар шаҳардаги 1-авторемонт заводида ишлаб чиқариш практикасида бўлиб назарий билимларни мустаҳкамлашяпти.

46 ўсмир... Узоқ мамлакатдан билим олиш учун келган бу йигитчаларнинг ҳаммаси гўё бир ота ва онанинг болаларига ўхшайди.

Зотан, аслида шундай. Революцион ҳукумат уларга ҳам ота, ҳам она бўлди, пешоналарини силади. Илгари, Америка империалистларининг малайи бўлган Батиста даврида улар учун ўқиш, илм олиш эшиклари берк эди. Революция уларга янги турмуш, бахт берди, илм ол, ватанинг учун керакли мутахассис бўлиб етиш деб ғамхўрлик қилди, улуғ совет юртига ўқишга юборди. Шунинг учун ёшларнинг қувончлари чексиз, билим олиш учун интилишлари зўр.

Мана улардан бири. Юз тузилишлари худди ўзбек йигитига ўхшаб кетадиган абжир, боқишлари маъноли бу йигитнинг номи Франциско Хардинес. У Сьера тоғларидаги революцион армия олиб борган жангларда иштирок этди.

Бир куни Франциско тўрт кишидан иборат группага бошлиқ қилиб, ўзи туғилиб ўсган қишлоқка разведкага юборишди. Уларнинг вазифаси душманнинг ҳарбий кучларини аниқлаш эди. Қишлоқда улар революцион армияга қарши душманлик иши олиб борадиган бир хоин борлигини сезишди. Улар бу хоинни ушлашади ва кечаси икки киши революцион армия томон олиб кетади. Франциско билан бир дўсти эса вазифани бажариш учун қишлоқда қолишади. Аммо кутилмаган воқеа рўй беради. Икки жангчи хоинни денгиздан олиб ўтиш учун моторли қайиқда кетаётганларида тўсатдан мотор ўчиб қолиб, батистачилар сезиб қолишади. Кучли отишма бошланади. Жангчилардан бири ҳалок бўлади. Хоин қочишга улгуради. Иккинчи жангчи эса ўзини денгизга ташлаб, ўнлаб километр сузиб, революцион армияга қўшилишга муваффақ бўлади. Ҳалиги хоин қишлоқда яна икки жангчи қолганлигини батистачиларга билдиради. Шундан сўнг 200 дан ортиқ батистачилар Франсисколарни таъқиб қила бошладилар. Франциско шериги билан энди денгизга яқинлашган эди ҳамки, орқадан хириллаган буйруқ эшитилди:

— Тўхта! Қўлингни кўтар!

— Фидель жангчилари таслим бўлмайдилар! — деб қичқирди Франциско ва батистачилар томон кетма-кет қўл гранаталарини ирғитди. Тўс-тўполон бошланди. Иккала йигит бундан фойдаланиб, одам оёғи тегмаган ботқоқликка яширидилар. Кўп вақтдан сўнгина улар революцион армияга қўшилдилар. Франциско жанглар ҳақида ҳикоя қилар экан, унинг кўзларида гўё олов ёнарди. Революция ғалаба қозонгандан сўнг Франциснони СССРга ўқишга юборишди.

Ўзини Рене Ансельио деб таништирган 29 ёшли забардаст йигит ҳам ўз ҳаёти ҳақида ҳаяжон билан сўзлаб берди. У ёшлигиданоқ Гаванадаги авторемонт заводида ишлай бошлайди. Аммо унинг оладиган маоши ҳатто тирикчилик учун ҳам етмас эди. Бунинг устига завод хўжайинлари Ренени негрлиги учун хўрлашар, тегадиган ҳақини ҳам ушлаб қолишар эди. Рене аранг тўртинчи классни битирди, холос. Ҳозир Рене автомобиль ремонти бўйича механиклик касбини пухта ўрганиб олди. Заводда бошқалардан қолишмасдан ишламоқда.

Ёш йигит Ириан Гамажо, Орландо Агуэро ва бошқалар ҳам ўз мамлакатлари учун ниҳоятда зарур бўлган касбларни яхши эгаллаб олишга интилмоқдалар.

Билим юртининг деразасидан кудратли қўшиқ жаранглайди:

«Аделанте, кубанос!»
Ке Куба премиаре нуэстро эроисмо,
Пуэс сомос солдадос
Кэ бамос а ла патриа либерар,
(Кубаликлар, олға бос!
Бизга мукофотдир ватаннинг бахти
Халқнинг севган ўғлимиз,
Биз қўшли республика ўғли!)

Билим юртининг кенг ва ёруғ клубида йиғилган кубалик ёшлар ва билим юртининг ўқувчилари бу кўшиқни жаранглатиб айтмоқдалар. «26 июль марши» деб аталадиган бу қўшиққа рус баяни билан ўзбек чилдирмаси жўр бўлади. Ўзбек, рус ва бошқа миллат йигит ва қизларининг овози ҳам қўшилиб, бу қўшиқ янада мағрурроқ янграйди. Зотан халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳам ана шундай яқин ва ҳамоҳангдир. Бу қўшиқ кубалик ёшларни ўз мамлакатларининг озодлиги учун курашга чорлаган. Бу қўшиқ уларни ўз ватанларини янада гуллаб яшнатишлари, ўз мамлакатлари учун муносиб кишилар бўлиб етишишга чақиради.

— Биз революциямиз доҳийси Фидель Кастрони Ўзбекистонга келиши билан қизғин табриклаймиз ва социализм қуриш йўлига тушиб олган халқимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишамиз, шу йўлда ўз кучимизни, ғайратимизни аямаймиз, деб ваъда берамиз, — дейишди бир оғиздан кубаликлар.

**М. ХУДОЙҚУЛОВ.**

# ИЖОДИЙ МАРКСИЗМНИНГ ГЕНИАЛ АСАРИ

**(В. И. Ленининг «Давлат ва революция» асарининг 45 йиллиги)**

Бундан қирқ беш йил муқаддам, 1918 йил 11 майда Владимир Ильич Ленининг «Давлат ва революция» номли гениал асари босилиб чиқди. Бу асарда К. Маркс ва Ф. Энгельснинг давлат, социалистик революция, пролетариат диктатураси, коммунистик жамиятнинг икки фазаси тўғрисидаги улуғ таълимоти янги шароитга мослаб ижодий ривожлантирилди.

В. И. Ленин, пролетариат диктатураси масаласи марксизмда бош масала, синфлар курашини тан олиш билан бирга пролетариат диктатурасини ҳам тан олган кишигина марксист бўла олади, деб таълим берди. «Давлат, — деган эди В. И. Ленин, — синфий зиддиятлар муросасизлигининг маҳсули ва кўринишидир. Давлат синфий зиддиятларни объектив суратда муросага келтириш мумкин бўлмаган жойда, мумкин бўлмаган чоқда ва мумкин бўлмагани туфайли пайдо бўлади».

Маълумки, буржуа давлатларининг формалари жуда ҳам хилма-хил бўлса-да, уларнинг моҳияти битта, яъни буржуазия манфаатига хизмат қилади. Ҳозирги замон буржуа давлатлари йирик монополистларнинг чексиз ҳукмронлигини рўёбга чиқариш қуролидир. Буржуа демократияси ҳукмрон синф учун хизмат қилади. Меҳнаткашлар учун эса бу демократия сохталик ва алдамчиликдан бошқа нарса эмас. В. И. Ленин фақат пролетариат диктатурасигина халқ учун чинакам демократия бера олиши идеясини олга сурди. Тарихий тараққиёт доҳий идеяларининг ҳаққонийлигини тўла исботлади. Буни СССР ва халқ демократияси мамлакатлари мисолида яққол кўриб турибмиз.

В. И. Ленин ўз асарида пролетариат социалистик революцияни амалга ошириб, сиёсий ҳокиятни ўз қўлига олиши лозимлиги тўғрисидаги масалани илмий жиҳатдан ишлаб чиқди, чирик буржуа давлат машинасини синдириб ташлаб, унинг ўрнига демократик асосларда тузилган янги давлат аппаратини вужудга келтириш вазифасини олга сурди. Ленинча революцион таълимот билан қуролланган ишчилар синфи ўз иттифоқдоши деҳқонлар оммаси билан биргаликда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасини таъминлаб, буржуа давлати механизмини пачақлаб ташлади. Натижада совет давлати аппарати вужудга келтирилди.

В. И. Ленин ишчилар ва деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш масаласига ҳам катта эътибор берди, бу иттифоқнинг моҳияти ва тарихий ролини белгилаб берди. «Буржуа давлат машинасини синдириш учун бирлашиш, — деб ёзган эди у, — ишчи-деҳқон синфининг дастлабки иттифоқидир, аммо бундай иттифоқ бўлмаса демократия мустаҳкам бўлмайди ва социалистик ўзгариш қилиш мумкин бўлмайди».

«Давлат ва революция» асарида коммунизмнинг икки фазаси тўғрисидаги марксистик таълимот ривожлантирилиб, янги босқичга кўтарилди. Коммунизмнинг биринчи фазаси — социализмда жамият тараққиётининг даражаси ҳали жамият аъзолари эҳтиёжини тўла қондириш имкониятини бермайди. Шунинг учун ҳам бу босқичда: ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша, деган принцип ҳукмронлик қилади. Коммунистик партия жамиятимизни коммунизмнинг биринчи фазасидан иккинчи юқори фазасига — коммунизмга аста-секин ўтиши учун шарт-шароитларни вужудга келтирди. Партиямиз В. И. Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, барча меҳнаткашларни меҳнатга, ижтимоий мулкка, давлат манфаатларига коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаётир.

В. И. Ленин Октябрь революцияси ғалабасидан кейинги йилларда социалистик давлат, пролетариат диктатураси тўғрисидаги масалаларни ўзининг «Пролетар революцияси ва ренегат Каутский», «Большевиклар давлат ҳокиятини ўз қўлларида тутиб қола оладиларми?», «Совет ҳокиятининг навбатдаги вазифалари», «Буюк почин», «Кооперация тўғрисида», «Оз бўлсин-у, соз бўлсин» каби асарлари, лекция ва докладларида доҳиёна баён қилди.

Марксизм-ленинизм ҳамиша барҳаёт, ривожланиб борувчи таълимотдир. Ҳақли равишда давримиз манифести деб ном олган КПСС Программаси марксча-ленинча фан тараққиётини ёрқин ифодаловчи революцион ҳужжатдир. Унда социалистик давлат тўғрисидаги марксча-ленинча назария янада ривожлантирилган.

Пролетариат диктатураси СССРда социализмнинг тўла ва ғалабали қурилишини таъминлаб, ўз тарихий вазифасини бажарди. Пролетариат диктатураси давлати сифатида вужудга келган совет давлати ҳозирги босқичда умумхалқ давлатига, бутун халқ манфаатлари ва иродасини ифодаловчи органга айланди.

В. И. Ленининг асарида давлатнинг барҳам топиши масаласига ҳам алоҳида ўрин берилган. Доҳий давлатнинг барҳам топиши масаласида авантюризмга, шошмашошарликка асло йўл қўймасликни қайта-қайта уқтирган эди. В. И. Ленин, биз фақат давлатнинг барҳам топиши муқаррар эканлиги ҳақидагина гапиришга ҳақлимиз, унинг барҳам топиш процесси узоқ давом этадиган процесс, бу процесс коммунизм юқори фазасининг тез ёки секин ривожланишига боғлиқ, деб таълим берди. В. И. Ленининг бу доҳиёна фикрлари партиямиз Программасида ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXII съездида қилган докладларида ижодий тарзда, конкрет тарихий шароитга мувофиқ ривожлантирилди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев бундай деди: «Давлатнинг барҳам топиши масаласи, агар бу масала диалектик тарзда тушунилса, социалистик давлатнинг ривожланиб, коммунистик ижтимоий ўз-ўзини бошқаришга айланиши тўғрисидаги масаладир».

Шундай қилиб давлатнинг барҳам топиши жуда узоқ давом этадиган процессдир, бу бутун бир тарихий даврни ўз ичига олади ва у жамият ўз-ўзини идора қилишга батамом етилган вақтдагина барҳам топади. Муайян вақт давомида давлат раҳбарлиги белгилари билан ижтимоий ўз-ўзини идора қилиш белгилари бир-бирига қўшилиб кетади. Бу процесс давомида давлатнинг ички функциялари ўзгаради ва аста-секин ўзининг сиёсий характерини йўқотади. СССРда коммунистик жамият қурилгандан кейингина, социализм халқаро майдонда ғалаба қилган ҳамда мустаҳкамланган тақдирдагина давлатга зарурат қолмайди ва давлат барҳам топади.

В. И. Ленининг «Давлат ва революция» асари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, барча мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг ўткир ғоявий-назарий қуроли сифатида хизмат қилмоқда, Совет кишилари В. И. Ленининг гениал ғояларини дилга жо қилиб социалистик революцияни амалга ошириб, социализм қурилишини муваффақият билан тугаллади. Баҳодир халқимиз жаҳонда биринчи марта коммунистик жамият қуришдек оламшумул тарихий вазифани ҳам шараф билан ҳал этишда Ленининг улуғвор ғояларидан илҳомланмоқда, мадад олмоқда ва зўр ғайрат билан инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизмнинг муҳташам биносини тикламоқда.

**Ш. ХОДИҚУЛОВ,**
**У. ЧОРИЕВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий ходимлари.**

# ҚАҲРАМОН КУБА УЧУН

**АНДИЖОН, (ЎзТАГ).** Куба Андижондаги машинасозлик заводига 75 насос ва дизель тайёрлашни заказ берган. Қишлоқ хўжалик эҳтиёжларини суғориш учун мўлжалланган ана шу механизмларни жўнатиш муддати шу йилнинг учинчи кварталида белгиланган эди.

Фидель Кастро бошчилигида кубалик дўстлар делегациясининг мамлакатимизда бўлиши шарафига ўзбек машинасозлари Озодлик оролининг фахрли заказини май ойи ичида бажаришга қарор қилдилар. Насос ва дизелларнинг дастлабки қисми ҳозирдаёқ Кубага жўнатилди. Насос ва дизелларнинг яна бир қисми жўнатиш учун тайёрлаб қўйилди.

60 ЙИЛ

# ҒАФУР ҒУЛОМ

60 ЙИЛ

Ғафур ҒУЛОМ

## ВАҚТ

Ғунча очилгунча ўтган фурсатни
Капалак умрига қиёс этгулик,
Баъзида бир нафас олғулик муддат—
Минг юлдуз сўниши учун етгулик.

Яшаш соатининг олтин кафтгири
Ҳар бориб келиши бир олам замон.
Коинот шу дамда ўз куррасидан
Ясаб чиқа олур янгидан жаҳон.

Ярим соат ичида туғилиб, ўсиб,
Яшаб, умр кўриб, ўтгувчилар бор;
Кўз очиб юмгунча ўтган дам — қиммат,
Бир лаҳза мазмуни бир бутун баҳор.

Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун
Олтиндан тарозу, олмасдан тош оз.
Нурлар қадами-ла чопган секундининг
Бирини тутолмас айюҳаннос овоз.

Йигит термилади қизнинг кўзига,
Киприк сузилиши, майин табассум...
Қўша қаримоққа муҳр бўлади
Ҳаётда инни лаб қовушган бир зум.

Яшаш дарвозаси остонасидан
Зарҳал нитоб каби очилур олам,
Тириклик кўркидир меҳнат, муҳаббат,
Фурсатдир қилгувчи азиз, мукаррам.

Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз,
Ҳар они ўтмишнинг юз йилига тенг,
Барҳаёт Лениннинг авлодларимиз,
Ҳар нафас мазмуни фазолардан кенг.

Қатрада осмон акс этганидек,
Жаҳондай маъноди қорачиғимиз.

М. ШАЙХЗОДА.

Ғолиб асримизга қуёшдан машъал,
Замон кўрасининг сўнмас чўғимиз.

Кремль куранти занг урар мудом,
Минглаб ҳодисалар минутларга қайд,
Қаҳрамон туғилди, шаҳар олинди,
Бир гигант қурилди шарафли бу пайт.

Рейхстаг устига ғалаба туғин
Қадашда отилган советнинг ўқи—
Ялт этган умри-ла барқарор қилди
Башарнинг муқаддас, олий ҳуқуқин.

Ғалаба амри-ла мағлуб немиснинг
Генерали қўл қўйди. Уч секунд фақат...
Шу малъун имзода одамлар ўқир
Миллион йил фашистнинг умрига лаънат.

Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

Шуҳрат қолдирмоққа Герострадек
Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас,
Кўзларнинг бахтига ўзлинни жамлаб
Шу улуғ бинога бир ғишт қўйсак бас.

Ҳар лаҳза замонлар умриден узун,
Асрлар тандири лаҳзаларда ҳал,
Умрдан ўтажак, ҳар лаҳза учун
Қудратли қўл билан қўйайлик ҳайкал.

Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай,
Дамлар ғаниматдир, умрузоқ соқий
Қуёш-ну фалакда кезиб юрибди.
Умримиз боқийдир, умримиз боқий.

Шоир Ғафур ҒУЛОМ. И. Глауберзон фотоси.

## ҚАЛАМ ҚАСИДАСИ

Қалам — ёзув асбобидирким, унинг таърифини ҳам, тарихини ҳам қаламнинг ўзига ҳавола қилиб, бу ерда унинг қадимий замонларда қамишданлиги ва айни замонда нимадан ишланиши ҳақида гап сотмай қўяқолайлик. Чунки, ҳозир қалам ҳар кимда ҳам бор, ҳамма гап ундан фойдаланишда-ю, фойда етказишда.

Мен бу ўринда шу қаламни узлуксиз қирқ йил оқ қоғоз устида жавлон ургузиб, навқиронликнинг қора сиёҳдек сочларини қоғоздек оқартирган, ўчмас сатрларни кўз нурлари билан жилолаган ва унга юрак томчиларида зеб берган бир мўйсафид қаламкаш, ўзбек элининг улкан оқини — қимматли ва ҳурматли дўстим Ғафур Ғулом ҳақида беш-олти калима сўз демоқчи эдим.

Агар қирқ йил муттасил ёзилган шеър сатрларини бир-бирига уланса, Сир дарёнинг бошидан этагигача етар эди, агар ўша жўшқин сатрлар билан тўлган қоғозларни ёнма-ён қўйса, Сирдарёнинг бутун сатҳини қоплар эди, агар шу қирқ йиллик мазмун сувга мушоҳида этилса, Сирдарё сувига тенг ва шу дарёдек сахий ва улуғ!

Дарҳақиқат Ғафур Ғуломдек дарё дил шоирни Сирдарё билан ташбеҳлаш керак. Унинг баракали, баркамол ижоди ҳам дарё сувидек баракали, ҳаётбахш ва улгуржидир.

Биз кўп сафарларда бирга бўлиб, канал қурилишларида, колхоз тузилишларида бир бордон устида кесакдан ёстиқ қилиб тунашган, қийинчиликларга бирга бардош бериб, бирга мушоира қилишиб, бирга мунозара қилишган, ҳаётнинг завқини ҳам бирга суриб, шавқини ҳам бирга тотганмиз.

Ғафур ака билан бир-биримизга кўп ҳазил-мутойиба қилишар, уни шеърга тушириб, бир-биримизга юборишар эдик. Ана ўшанда Ғафур аканинг менга ёзиб юборган ажойиб шеърлари қануз сақланмоқда.

Ғафур Ғулом халқ ичига сингиб кетган, хушмуомила, ширин сўз, оддий кишилар орасида оддий ва самимий, йўли қиғғир ва юраги кир шахсларни кўришга кўзи йўқ, сўзи уқ, ҳазил аралаштириб айтганда ундайларга қарши «дўпписига тош тўлғазиб олган» қайтмас, толмас кучдир.

Ғафур акага илгаридан ёш болалар ўч!..

Ғафур Ғулом келибди деб эшитилса, ҳамма ерда ёшлар ўраб олар. Ғафур ака билан болалар яхши тил топиб сўзлашар, Ғафур ака шошиб, тезлаб кетганда орқасидан эргашарди. Ҳозир ҳам шундай. Бундан 30 йил олдин Ғафур акага эргашганлар ҳозир олим, шоир бўлиб етишдилар.

Ғафур Ғулом ҳам катта хонадоннинг отаси, ўз ўғил-қизларидан ташқари жуда кўп ўғил, қизларнинг мураббийси, ҳар доим дастурхони ёзиқлиқ саховат соҳиби, дунёнинг ҳар бурчағидан республикамизга меҳмон бўлиб келган бегараз, дўст меҳмонларнинг кўпчилиги бу дастурхондан нон ушатганлигига мен жонли шоҳидман.

Ғафур ака иттифоқ миқёсида ўз салмоғига эга, номи машҳур. Коммунист шоир халқимиз, адабиётимизнинг бахтига узоқ умр кўрсин!

Бу, менинг бир қалам соҳибига қасидам!

Собир АБДУЛЛА.

## ДАВР ФАРЗАНДИ

*Ўз Ватанига содиқ заҳматкаш, новатор шоир Ғафур Ғуломнинг ижоди истисносиз биз катта-кичик ёзувчилар учун ҳар томондан ибратли ва улкан мактаб ҳамдир. Ғафур поэзияси шаклидаги миллийлик, чиқиқ реалистик мазмундорлиги билан ўзбек совет поэзиясининг, қолаверса кўп миллатли совет халқлари поэзиясининг ҳам кўрки ва ёқут юлдузидир. Чунки Ғафур поэзияси ва публицистикаси интернационализм юрагининг қони билан юғрилган бўлиб, у кўп миллатли совет китобхонлари учун зарирларнинг зарури бўлган дўстлик, биродарлик руҳининг мураббийси ҳамдир.*

*Ғафуримиз ақлини таниб қалам тебратган қиндан бошлаб Коммунистлар партиясини халқ ва меҳнатни ҳамда инсонни улуғлаб ижод қилган чинакам ватанпарвар, меҳнат аҳли орасидан чиққан халқ шоиридир. Ғафур Ғулом поэзиясида партиявийлик билан халқчиллик мисоли ёрқин ранг тантанаси ўрнида ўрганишга ёрдам беради.*

*Назир САФАРОВ.*

## БИЗНИНГ ҒАФУР

Олтмиш йил нима гап жўшқин шоирга?
Жировлар олтмишда куй қўшар жирга.
Карвон ва армонлар йўл босар бирга.
Бошланган достонлар етар охирга.

* * *

Гўё тунов кундай: сочларинг титиб,
Зеҳнингда эллик минг байтни ёд тутиб,
Ғазаллар ўқиндинг дўстларни кутиб.
Бу хўб ярашарди бизнинг Ғафурга.

* * *

Ўша ғафурона қаламинг дадил,
Вугунги қасиданг сўзимга далил,
Илтимос: умрингда бўлғайсан изчил —
Асарни бошлабсан, етказ охирга.

ҲАБИБИЙ.

## ДЎСТИМГА

Кўрдинг олтмиш баҳор ила кузни
Сенда эл кўрди саъд юлдузни.
Назмаро янги-янги йўл очдинг,
Халқаро сўз жавоҳирин сочдинг.
Яъни сўз санъатига моҳирсан,
Энг билимдон, атоқли шоирсан.
Ҳар каломингда ранг-баранг ҳикмат,
Баҳр олиб ҳар киши дегай раҳмат!
Етдим олий талабга меҳнат ила,
Меҳнатига тўлиқ муҳаббат ила.
Партиям кексапарвар ғамхўр
Кимки меҳнат қилур, қилур масрур.
Қанча-қанча адиби давронлар
Йўрамай, дилда кетди армонлар.
Кўп яша, кўп замон саломат бўл,
Соҳиби бахт ила саодат бўл.
Истагимдир шарафли ижодинг,
Гулласин хонадонинг, авлодинг.

## НАФОСАТ ВА ҚУДРАТ

В. ЗОҲИДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси

Шеъриятимизнинг забардаст байроқдори Ғафур Ғулом ёзувчи сифатида 1923 йилда, туғилди, майдонга чиқди. Мана шундан буён қирқ йил ўтди. У ҳамон навқирон, ҳаётбахш замонамизнинг улуғ ғояларига садоқат билан хизмат қилиб келмоқда.

Одатда у ёки бу даврда кўпгина ёзувчилар майдонга чиқадилар, лекин маданият, халқ тарихи, бугун жамият ғоят қаттиқ қўл бўлади (айни ҳолатда ғоят адолатли!): бу тарих замон имтиҳонига бардош бера олмаган, шарафли синовдан ўта олмаган шахсларни қаттиқ қўл судья тарзида унутиб юборади, лекин бақувват, яъни ҳам бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, ҳам эртаги кун талабларига хизмат қилишга қодир ёзувчилар бўладики, улар тарихда қоладилар.

Ғафур Ғулом ижодининг порлоқ тақдири худди шундай бўлди.

Шоир майдонга келгандан буён қанча йиллар ўтди, тағин қандай йилларі Бу йиллар тўрт томондан душманлар қуршовида қолган ёш Совет ҳокимиятини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш йиллари бўлди; оқ гвардиячиларни, интервентларни тор-мор келтириш ва деярли бўм-бўш ерда ўлкан оғир индустрияни барпо қилиш йиллари бўлди; ўтмишнинг зарарли сарқитларига қарши кураш ва буюк маданий инқилобни амалга ошириш; Улуғ Ватан урушининг мисли кўрилмаган жанг майдонларида кураш ва фашист баҳшийлар устидан зафар қозониш йиллари бўлди: уруш талафотларини тугатиш йиллари бўлди; коммунизм қурилишининг кенг авж олдирилган даври бўлди; шаҳсга сиғинишнинг оқибатларини тугатиш йиллари бўлди; замонамизнинг энг улуғ ҳужжати—КПСС Программасини қабул қилиш йиллари бўлди... Партия олдида тағин ғоят улуғвор иккита жиддий вазифа турарди: булардан бири, янги инсонни, социалистик жамият кишисини тарбиялаш, кўп миллионли оммани коммунизм руҳида, юксак инсоний ахлоқ руҳида тарбиялаш эди. Иккинчи вазифа, чириб кетаётганлиги ва ўлимга маҳкум этилганига қарамай, атом ва термоядро урушлари оловида халқларнинг меҳнати ва ақл-заковати билан бунёд қилинган жамийки ғўзал ва латофатли нарсаларни емиришга интилаётган капитализмни жиловлаб қўйиш; таҳқирланган, жабрланган, камситилган миллион-миллион кишиларнинг эркинлиги ва жаҳонда тинчлик учун курашаётган миллион-миллион кишиларни қўллаб-қувватлаш вазифаси эди. Шармандаси чиққан мустамлакачилик емирила бошлади, жаҳон социалистик системаси вужудга келди ва буюк демократия ҳамда социализм иши жаҳон миқёсида мустаҳкамлана бошлади.

Ғафур Ғуломнинг истеъдоди ана шу йиллар ва шароитларда вояга етди, камол топди. Шоирнинг овози тобора кучлирок янграйверди. Худди ана шу воқеалар, ана шу омил шоир ижодининг мағзини, казмунини ташкил этди. Мана шу тарихий воқеалар шоир поэзиясига ҳаёт бағишлади.

Шоир бу муҳим воқеа ва ўзгаришларни шунчалик зўр маҳорат билан акс эттирики, натижада унинг ижодиёти замонамиз талаби даражасига кўтарилди ва бу ижодиёт ўзбек адабиётининг ривожи тарихида янги, ўзига хос босқични ташкил этди.

Дарҳақиқат, Ғафур Ғулом таҳсинга сазовор шеърий ҳис-туйғу, ҳаяжон ва сезгирликка эга, бу унга воқеаларни ўз вақтида пайқаб олиш, бугунги куннинг асосий талабларига лаббай деб жавоб қайтариш, партия ва халқ чақириқларига ҳамиша муносиб жавоб бериш имконини беради. Образли қилиб айтсак, у ўз ижоди билан даврмиз ва партиямизнинг таркибий қисмига айланиб кетди. Ахир унинг ўзи: «Мен — партиянинг солдати, халқимнинг тилиман!» деб бекорга айтмаган.

Хуллас, шоиримизнинг ижоди ҳаёт кўзгуси, давр овози, халқ тилидир.

Дарҳақиқат, Ғафур Ғулом ўз тақдирини, ўз ижодининг тақдирини ғоят мураккаб ва улуғвор давримиз билан чамбарчас боғлагандир. Шоирнинг тақдири, унинг ижоди давримизнинг асосий маъноси ва мағзидан иборат. У, даврмизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони—Коммунистик партия билан; мамлакатимиздаги барча тарихий ўзгаришларнинг ижодкори ва жамиятимиз тарихида ҳал қилувчи куч—совет халқи билан, инсоният тақдири учун улкан кураш билан, миллион-миллион кишилар қалбидан чуқур жой олган ва уларнинг ироласига сингиб кетган, енгилмас, қудратли, инсониятнинг қаҳрамонона меҳнати, беқиёс ирода ва ҳаётбахш ишларининг, литвиликларнинг ва Тожикистон аҳолисининг ўй-орзулари бор. Шоирни ер юзидаги миллионмиллион кишиларнинг диққат марказида турган, уларнинг фикри ва қалбидан чуқур жой олган умумбашарий масалалар қизиқтиради. У, демократия ва бутун дунёда тинчликнинг буюк ишини, халқлар озодлиги ва социализм ғояларининг ғолибона одим отиб боришини баралла қуйлайди, халқ демократияси мамлакатларининг ютуқларидан беқиёс қувонади. У, қонхўр империализмга ва шармандали мустамлакачиликка, уларнинг малайларига, ана шу уруш оловини ёқувчиларнинг ва халқлар эркинлигини бўғувчиларнинг ювиндихўрларига чексиз нафрат билан қарайди. У, араб қизи Жамиланинг ғожиаси тўғрисида юраги эзилиб ёзади, Конго халқининг қаҳрамони Лумумба қотилларига лаънатлар ўқийди, негрнинг зафар сари қаҳ бир қадамини табриклайди ва филиппинликларни курашга чорлайди. У қашшоқ Америка фермери тўғрисида, Италияда ишсиз қолган кишининг оғир қисмати тўғрисида, инглиз докерининг эртаги куни тўғрисида ўйлайди. У, капитал ҳукмрон бўлган мамлакатлардаги миллионмиллион мазлум ва таҳқирланган кишиларнинг бахт-саодати тўғрисида, ғарблик келгиндиларнинг қамчиси зарбидан инграётган кишилар тўғрисида, уларнинг бахт-саодати тўғрисида орзу қилади.

Худди шунинг учун ҳам уни покистонлик шоир Фаиз Аҳмад севади ва турк ўртоғи Нозим Ҳикмат мадҳ қилади, уни Англия ва Жазоирда билишади, Осиё ва Европада асарларини нашр этишади. Дўстлари мақташади, душманлари нафратланишади.

Воқеликни акс эттиришда ростгўйлик, бевоситалик, ҳайрон қоларли даражада моҳирлик. образларнинг бойлиги, бадиий восита ва усулларнинг ранг-баранглиги, инсон қувонган ва ҳаяжонланган дақиқалардаги мураккаб ички ҳиссиётни ғоят ёрқин кўрсата билиш; тилнинг ширалиги, ўткирлиги, ифоданинг лўндалиги, таъбирнинг ва услубнинг пухталиги, ёрқинлиги; кишини чуқур тафаккур этишга, орзу қилишга ва янгилик қидиришга ундайдиган ғоят зўр маъно; моҳирона умумлаштириш йўли билан кичик нарсадан катта нарсага ўтиш, гоҳ латиф ҳазил, гоҳ аччиқ ҳажв, сокин лирика, музикадек ёқимли садо, юксак пафос, кимвичлайдиган ўткирлик — буларнинг ҳаммаси Ғафур Ғулом шеъриятининг ажралмас фазилатларидир. Бу шеъриятга абстракционизм ва формализм, найрангбозлик ва ҳар хил «поэтик» чизмакашлик ёт нарсадир.

Шу нарсани таъкидлаш зарурки, биз ҳозир расвои чиққан буржуа мафкурасига қарши, абстракционизм ва бошқа зарарли «новаторлик» изм-ларга қарши кескин курашаётган бир пайтда Ғафур Ғуломнинг социалистик реализмнинг ажойиб принципларига содиқлиги зўр аҳамият касб этади. шоирнинг ижоди социалистик реализмнинг ҳаётийлигини тағин бир марта ёрқин тасдиқлади. Шу жиҳатдан ҳам унинг ижоди ёш ёзувчилар учун алоҳида ажойиб мактабдир. Унинг қудратли поэтик садосининг баракали таъсирида кўпгина талантли ёзувчилар етишиб чиққанлиги бежиз эмас. Ҳозирги ўзбек адабиётини бу шоирларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ғафур Ғуломнинг забардаст кучи ва хизмати ҳам худди шундадир.

Владимир Ильич Ленин Шарқ оёқ ва турмоқда ва инсоният тақдирини ҳал қилишда фаол иштирок этишга қодир қудратли халқлар кучга айланади, Шарқ халқлари умумий душман — империализмга қарши курашда улкан роль ўйнайдилар, бироқ Шарқ халқларига уларнинг озодлик учун курашида кўмаклашамиз, деб ёзган эди.

Буюк орзу рўёбга чиқди. Шу муносабат билан Ғафур Ғулом ўз ижодиётида севимли Шарқ темасига катта эътибор бераётганлиги таҳсинга сазовордир. Шоир Шарқни бевосита Ленин ва партия билан алоқада, империализмга қарши курашда тасвирлайди.

Буюк Октябрь мамлакатимиз тарихида, унинг халқлари, шу жумладан, шоирни камолга етказган ўзбек халқи тарихида янги давр очди. Ўтмишда қашшоқ ва хўрланган, ўтмишда бошқа дўстлари сингари эзилган бу халқ ўз тақдирининг хўжайини бўлиб қолди. Унинг асрий кўз ёшлари тиниб, юзида шодлик пайдо бўлди, чор деворлар ўрнида улуғвор қасрлар қад кўтарди, жаҳолат, саводсизлик ўрнига университет ва академия, омоч ўрнига трактор, ибтидоий бўз тўқийдиган дўкон ва чарх ўрнига буюк саноат гигантлари қурилди.

(Охири тўртинчи бетда)

## САМАРҚАНД ҚУТЛАЙДИ

Яқинда Самарқанд Давлат университетида атоқли шоир Ғафур Ғуломнинг туғилганига 60 йил, ижодий фаолиятига 40 йил тўлишига бағишланган кеча бўлди. Университет студентлари ҳурматли шоирни баҳор гулдасталари билан кутиб олдилар.

Университет ректори, филология фанлари доктори В. Абдуллаев, филология фанлари кандидатлари О. Икромов, В. Г. Ларцев, студентлардан Норбоев, Абдуллаевлар сўзга чиқиб шоирга узоқ умр, ижодий фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

Т. ХУДОЕРОВ,
А. ЎРИНБОЕВ,
Қ. ЭРГАШЕВ,
И. АБДУЛЛАЕВ,
Самарқанд Давлат университетининг студентлари.

## КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ

*Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасида атоқли шоир Ғафур Ғулом туғилган кунинг 60 йиллигига бағишланган катта кўргазма ташкил қилинди.*

*Кўргазма тўрт бўлимдан иборат. Кўргазмада кутубхона томонидан ишлаб чиқилган методик қўлланма ҳам бор. Унда Ғафур Ғулом ҳақидаги материаллар ва унинг янги асарларининг рўйхати берилган. Кўргазма китобхонларга Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижодини ҳар томонлама ўрганишга ёрдам беради.*

Н. КАРИМОВА.

## ИШЧИ СЎЗИ

(Ғафур Ғуломга)

Шу олтмиш ёшингизни
Дилдан қиламиз табрик.
Юздан ҳам ошингиз деб
Чин кўнгилдан истардик.
Беланчакда баҳузур
Ухлаб ётар ёш ўғлим,
Юзинга тушади нур,
Талпинар, кулар шодон.
Балки шоир бўлади,
Дунёга келган меҳмон.
Юз йиллик тўйингизга
Шеърин этур армуғон.

Ю. ТОЛИПОВ,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси.

Ғафур ҒУЛОМ асарларидан намуна.

## ТАБРИК

Ажойиб шоир Ғафур Ғуломни чин қалбимдан табриклайман. Узоқ умр, чексиз ижодий муваффақиятлар тилайман.

МАРШАК,
Ленин мукофотининг лауреати.

## ГУЛДАСТА ТУТАМИЗ, СЕНГА

Биродарим Ғафурнинг ҳаёти баҳор бўлса, ажойиб шеърияти шу баҳорда гурғираган бепоён гулзордир. Шоир дўстим Абдуғафур совет кишиларининг кўнгил кўзгуси, юраг тори, нафтихоридир. Унинг шеърлари узоқ ва кўп замонлар ёнутдай товланиб туради. Замон кўзгуси ҳеч қачон кир олмайди. У ҳамиша тиниқ, мусаффо! Ана шу ҳаёт кўзгусидай порлоқ шеъриятингиз билан бирга узоқ умр кўринг, ҳурматли қаламкаш тенгқурим Ғафуржон.

Зиннат ФАТХУЛЛИН.

* * *

Бахт куйчиси шоир Ғафур Ғулом билан ёшлигидан ўртоқман. Ёнма-ён маҳаллада яшаб бир мактабда ўқиганимиз учун болалик даврини у билан бирга ўтказдим. Ўқиб юрган чоғларимизда бахт-ғазалга ташна бўлган ҳушхат Ғафур Ғулом Навоий, Фузулий, Фурқат ва Муқимийларнинг лирик шеърларидан кўчириб тарқатар ва айримларини қўшиқ қилиб айтишга қистар эди.

Болалигимизни ардоқлаб овутган шундай қўшиқлар билан Улуғ Октябрь социалистик революциясини кутиб олдик. Энди қўшиғимизнинг мазмуни тамом бошқача. Яъни бахт маъносига айланди. Партия ва Лениннинг улуғ ғояси бизнинг кундалик қўшиғимиз бўлиб қолди.

Ғафур Ғулом ўзбек халқининг севимли шоири бўлиши билан бирга мўътабар тарбиячидир. Тошкент аҳли собиқ Урдадаги «Урфон» мактабини эсга олар экан, биринчи жаҳон урушининг оғир оқибатларига дучор бўлган меҳнаткаш халқнинг дарбадар бўлиб қолган ўғил-қизларининг «Урфон» номли болалар уйига тўплаб тарбиялаган, отахон шоири, мураббийси, устози Ғафур Ғулом кўз ўнгимизга келади. 60 ёшга кирган мўйсафид дўстим Ғафур Ғулом 40 йилдан бери халқлар бахтини, порлоқ ҳаётимизни куйлайди. Шоирнинг китоби қимматли бисот бўлиб кирмаган ўзбек хонадони йўқ. Ҳамма уни фахр билан тилга олади. Меҳр-муҳаббат ва эзгу тиланлар билан соғлиқ ва узоқ умр тилайди.

ҒАЙРАТИЙ.

# ҒЎЗАНИ ЁШЛИГИДАН ПАРВАРИШ ҚИЛАЙЛИК!

## КАМИДА 25 ЦЕНТНЕР

Чигит илк баҳорда кафтдек текисланган яхлит майдонларга квадрат-уялаб экилди. Сирдарё область Янгиер бошқармасига қарашли 26-совхоз коллективи ёш ниҳоллар кўриниши биланоқ ғўза парваришини бошлаб юборди. Агроном ўртоқ Ғаффоров бошқараётган 3-бўлимда икки марта яхши парвариш қилинган ғўзанинг авжи айниқса яхши. Шу бўлимнинг Бўрон Боймуродов, Жўрақул Ёдгоров, Номоз Абдуллаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ғўза шона кўрсатди.

Бобоқулов, Худоёров, Жўраев ва Исматов сингари механизаторлар ғўзани яхшилаб культивация қилишда ҳаммага намуна бўлмоқдалар. Совхоз коллективи 4000 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 25 центнердан ҳосил топшириш тўғрисидаги мажбуриятига яраша «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқда.

С. ДАВИРОВ.

Фарғона область, Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Фрунзе номли колхознинг Тўхтасин Холбеков бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаси аъзолари КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига ғўза парваришини кучайтириб юбордилар. Илғор механизатор Умарали Ёрматов кунига кўндалангига 6.7 гектар майдондаги ғўзани культивация қилянти. Суратда: механизатор У. Ёрматов.

Н. Раҳмонов фотоси.

## ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ЖИЗЗАХ. «Москва» колхозининг ўртоқ Жаъфар Ражабов бошлиқ бригадасида 120 гектар майдондаги ғўза жуда яхши ўсяпти. Пешқадам пахтакорлар ҳар бир туп экинни меҳр-муҳаббат билан парвариш қилмоқдалар.

П. ИСМАТОВ.

ОХУНБОБОЕВ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Фрунзе номли колхозда 800 гектардан ортиқроқ майдондаги ғўза бир марта культивация қилинди, 600 гектар ердаги ғўза яганаланди.

М. АҲМЕДОВ.

ҚУВА. «Коммунизм», Охунбобоев номли, «Социализм» колхозларида ғўза парвариши кучайтириб юборилди. Шу билан бирга бу колхозларда ҳосирданоқ сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш тадбирлари кўрилмоқда.

Ф. АБДУЛЛАЕВ.

## ЯМ-ЯШИЛ КВАДРАТЛАР

Колхоз аъзолари бултур 1940 гектар майдонга чигит экиб, кузакда баракали хирмон кўтардилар. Катта майдонларнинг ҳар гектаридан 41 центнердан «оқ олтин» териб олинди. Бундай рекорд ҳосил етиштиришда ғўзанинг ёшлигидан яхши парвариш қилинганлиги, экин ердан бош кўтариши биланоқ ўтитга тўйдирилганлиги катта роль ўйнади.

Ҳазорасп ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Нариманов номли колхоз аъзолари бу йил 1975 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43 центнердан ҳосил кўтариш учун ўтган йилдагидан ҳам яхшироқ меҳнат қилмоқдалар. Экиш ҳар йилгидек барвақт тугалланди. Ҳозир ям-яшил квадратлар кўзни қувонтиради.

Коммунист Аҳмад Нурматов бошлиқ бригада аъзоларининг ҳиммати айниқса катта. Улар 104 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 51 центнердан ҳосил топшириш учун ҳозирдан астойдил курашмоқдалар. 60 гектар майдонга уруғликни уяларга аниқ миқдорда ташлаб кетадиган сеялка билан чигит экилган эди. Режаси яхши олингани учун квадратлар аниқ бўлди. Ҳозир Тожибой Худойберганов, Матёс Абдалов сингари механизаторлар ёш ниҳолларни жуда эҳтиётлик билан культивация қилмоқдалар.

Илғор бригадаларда ғўзани ёшлигидан культивация қилиш билан бирга минерал ва маҳаллий ўғит аралашмаси билан озиқлантиришга алоҳида эътибор берилянти.

Ш. ИБРОҲИМОВ.

## ОЧИЛГАН ҚЎРИҚ

Бу ерлар асрлардан буён бўм-бўш ётарди, тупроғи соз бўлса ҳам, инсонга нафи тегмасди. Шунча ер қачонгача бекор ётади, нега уни ўзлаштириб пахтазор қилмаймиз? Андижон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Октябрь» колхозининг Мухторали Ортиқов бошлиқ бир группа комсомоллари астойдил ғайрат қилиб, 11 гектар қўриқ ер очишди. Ҳозир янги ерга квадрат-уялаб экилган чигит текис униб чиқиб, ғўзаси бир қарич бўлай деб қолди.

Механизатор Қўчқорвой Рўзиев икки томонлама культивация қилмоқда. Комсомол-ёшларнинг аҳди катта: улар янги ернинг ҳар гектаридан биринчи йилиёқ 35 центнердан «оқ олтин» кўтарамиз дейишган.

А. АБДУЛАҲАТОВ.

# ЖОСУСЛАРНИНГ БАШАРАСИ

Америка ва Англия разведкаларининг агентлари — Ватан хоини Пеньковский ва Буюк Британия фуқароси, алоқачи жосус Винн қилган жиноятларнинг тугуни тобора ечилмоқда. Бугун жосуслар устидан бўлаётган суднинг учинчи куни. Судланувчилар томонидан чет эл разведкаларига топширилган маълумотларнинг характери ва мазмуниға тааллуқли масалалар суднинг ёпиқ мажлисида кўриб чиқилди.

Суднинг дастлабки кунида қилинган сўроқларнинг ўзи қора курсида ўтирганларнинг ашаддий жосус эканлигини яққол кўрсатди. Пеньковский ҳам, Винн ҳам келтирилган далилларни рад қилолмай, ўзлари Совет Иттифоқига қарши жосуслик қилишда айбли эканликларини эътироф этишга мажбур бўлдилар.

Пеньковский ва Виннинг тергов-да айтган гаплари уларнинг империалистик давлатлар разведкаларига хизмат қилганликларига нималар сабаб бўлганлигини яққол кўрсатди. Давлат қироловчиси, Бош ҳарбий прокурор юстиция генерал-лейтенанти А. Г. Горний суд мажлисларидан бирида судланувчи Пеньковскийга бундай савол берди:

— Жиноятлар қилиш йўлига тушганингизга сабаб нима?

— Бунга ўзимнинг жуда пасткашлигим сабаб бўлди,—деб жавоб беради у.—Деярли муттасил, ҳар кун ичкиликбозлик билан шуғулланганлигим мени шу даражага олиб келди. Ўзимга бино қўйганлигим, шуҳратпарастлигим, ишимдан норозилигим, айш-ишратга берилганлигим — мана шуларнинг ҳаммаси мени жиноят йўлига бошлади. Мен ҳаммани алдай бердим. Ўйлаган нарсаларим ҳам, қилган ишларим ҳам—ҳаммаси жиноятдан иборат бўлди.

Пеньковскийнинг судда айтган гаплари, унинг жиноятига доир мавжуд ҳужжатлар ва характеристикалар Пеньковскийнинг принципсиз шахс эканлигини кўрсатиб турибди. У ўзига керексиз бўлган кишиларнигина эмас, ҳатто, ўзининг дўстларини ва ўзи билан бирга ишлашган кишиларни ҳам менсимас эди.

Пеньковскийнинг ўз сўзи билан айтганда, унинг «чинакам, том маъноси билан яқин дўстлари йўқ эди».

У, Лондон ва Париждаги тунги клубларнинг урф-одатларига жонтани билан берилган эди. Пеньковский бу урф-одатларни ўзи «айш-ишрат қилган» Москва ресторанларига ҳам кўчиришга уринди ва ўйнашларининг туфлиларига вино тўлдириб, ўзининг ҳамтоқлари билан чўқиштириб ичишни одат қилиб олди.

Тамагирлик бу аблаҳнинг характерли белгиси бўлиб қолди. Бу разил шахс давлат томонидан яхши таъминланган бўлишига қарамай, «чет мамлакатларнинг нарсаларини» кўрганида, ҳатто... Англия ва Америка қўшинлари полковникининг мундирларини ҳам кўрганида кўзи мўлтираб, сўлаги оқа берар эди.

Мундирлар тўғрисида бир пинг гил. Суд мажлисларидан бирида прокурор билан Пеньковский ўртасида қуйидагича савол-жавоблар бўлди.

**Прокурор:** Сизга Англия ва Америка армиялари полковниклари киядиган ҳарбий кийимларни кўрсатишдими?

**Пеньковский:** Ҳа, мен Лондонга иккинчи марта борганимда, Англия қиролли қўчлари полковниги-нинг формасини ва Америка қиролли қўчлари полковниги формасини менга кўрсатишган эди.

**Прокурор:** Сиз формаларни кийиб кўрдингизми?

**Пеньковский:** Ҳа, мен бу формаларни кийиб кўрдим.

**Прокурор:** Ўлчаб ҳам кўрдингизми?

**Пеньковский:** Ҳа, ўлчаб кўрдим.

**Прокурор:** Қайсиниси сизга кўпроқ ёқди?

**Пеньковский:** Қайсиси кўпроқ ёққанлигини ўйлаб кўрганим йўқ. Залдагилар кулиб юборишди. Ватан хоини, бу ашаддий жосус ҳарбий формани бундай «кийиб кўрганлигини» ўзи учун шунчаки ярмак бўлган деб кўрсатишга уриниб айтган бу гапларнинг ёлғонлиги ҳаммага аён бўлиб қолди.

Бутун вужуди чириган бу аблаҳни — Пеньковскийни чет эл разведкаларининг жосус қилиб олиши жуда осон эди ва ҳақиқатан ҳам шундай бўлди.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
Б. ЛУКЬЯНОВ,
А. РОМАНОВ,
А. СЕРБИН.

(ТАСС махсус мухбирлари).
Москва, 9 май.

## ТУРЛИ мамлакатлардан ХАБАРЛАР

### СОВЕТ ЖАНГЧИЛАРИГА ҲАЙКАЛ

*ПРАГА. Чехословакияда халоскор совет жангчилари хотирасига ўрнатилган ҳайкалларга яна бир ёдгорлик қўшилди. Брно яқинидаги Куржим шаҳри совет ва румин қўшинлари томонидан озод қилинган кунинг йиллиги муносабати билан бу ерда совет жангчиларига ҳайкал очилди. Ҳайкалнинг очилиш муносабати билан, деб хабар беради Чехословакия телеграф агентлиги, Куржимда кўп минг кишилик митинг бўлди. Митингда Чехословакиядаги Совет ва Румин элчихоналарининг вакиллари ҳам қатнашди. (ТАСС).*

### КАПИТАЛ МАМЛАКАТЛАРИДА СИНФИЙ КУРАШ

**ИТАЛИЯ.** Мамлакатда нефть-химия корхоналари ишчиларининг 72 соатлик умуммиллий забастовкаси бошланди. Ишчиларнинг моддий аҳволини яхшилашни кўзда тутадиган янги меҳнат битими тузишдан корхона эгаларининг бош тортганлиги бу забастовкага сабаб бўлди.

●

**БРАЗИЛИЯ.** Сан-Паулу кофе упаковкачилари забастовка эълон қилдилар. 150 дан ортиқ склад биноларининг иши тўхтаб қолди. Ресиф шаҳрида металлургия саноатининг олти минг ишчиси забастовка эълон қилиб, бир неча кундан бери ишламаётир. Натижада 350 корхонанинг иши тўхтаб қолди. Меҳнаткашлар нархнавонинг ўсиб бораётганлиги сабабли иш ҳақининг оширилишини, шунингдек бошқа иқтисодий талабларининг қондирилишини талаб қилмоқдалар.

●

**АНГЛИЯ.** Оксфорд яқинидаги Каули шаҳрида «Моррис моторс» компаниясига қарашли автозаводнинг 125 электриги иш ҳақининг оширилишини талаб қилиб, забастовка бошлади.

●

**ЧИЛИ.** Сант-Ягодан хабар берилишича, ишчилар «Фаналос» миллий фаянс фабрикасини қўлга олганлар. Улар ишдан бўшатилган икки ишчининг ишга қайтиб олинишини талаб қилмоқдалар. Фабрика маъмурияти ишчилар билан бирор музокара олиб боришдан бош тортди ва ёрдам сўраб қарабиничиларга мурожаат қилди.

(ТАСС).

Жаҳон жамоатчилиги Америка Қўшма Штатларининг жанубида ирқчилик янада авж олдирилишининг гувоҳи бўлди. Негрларнинг ўз инсоний ҳуқуқларини талаб қилиб, сайловчилар сифатида рўйхатга ўтиш учун уринишлари ва ирқий камситишга қарши норозилиги оқ танли қулдорларнинг ҳозирги замон авлодини беҳад қутуртириб юборди. Суратда: полиция бошлиғи (ўнгда) Бирмингем шаҳрида ирқий камситилишга қарши ўтказилган маршда қатнашган негрларнинг намоқда олинишини ичдан қувонган ҳолда кузатиб турибди.

ЮПИ-ТАСС фотоси.

# НАФОСАТ ВА ҚУДРАТ

(Боши учинчи бетда).

Булар бариси Ленин туфайли. Ленин вужудга келтирган партия туфайли пайдо бўлди, булар халқларимизнинг Ленин ва партия ғояларини амалга ошириши туфайли бунёдга келди.

Асрлар мобайнида олчоқ мустамлакачилар томонидан таланган, оч ва қашшоқ қолдирилган, таҳқирланган буюк Шарқ уйғонди. У баҳодирона қад-қоматини ростлаб, зулм дунёсини титратди. Қулликнинг занг босган занжирини чил-парчин қилиб ташлаш ва эзилган, таҳқирланган халқларнинг инсоний ҳуқуқларини ўзларига қайтариш пайти келди. Уларни Ленин таълимоти тўлиқ ғалабага олиб боради.

Шоир масалани худди шу таҳлитда қўяди. Худди шунинг учун ҳам Ленин, унинг партияси ва Шарқ шоир ижодининг марказида туради. Шоир юракда буюк ғурур билан тезтез: Шарқдан бораётирман дейди. Бунда жуда кўп маъно бор. Ғафур Ғулом жонажон ўлкаси — Ўзбекистон «буюк серқуёш» Советлар мамлакатининг ажралмас қисми эканлигидан, мўъжизалар республикаси, мазлум Шарқ мамлакатлари учун ҳақиқий ва халқ баҳт-саодатининг ёрқин намунаси бўлганлиги учун дилдилидан қувонади.

Озод Шарқ деб аталур Ватаним —
Ўзбекистон.
Қуёшга парвоз қути дейилса
арзигудек.
Бу ерларда ўз қадрин топди замин
ва замон.
Қўшин Шарқ истиқболин акси
бўлган кўзгудек.

Биз Ғафур Ғулом ижодиёти ўзбек совет адабиётида янги, ўзига хос боскич эканлигини айтиб ўтган эдик. Дарҳақиқат, ўзбек совет поэзиясини Ғафур Ғуломсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шоир маълум маънода ҳозирги замон ўзбек поэзиясининг байроқдори, унинг етакчи ва йўналишини белгилайдиган сиймо бўлиб қолди. Укуман, республикамизда ўзбек шеъриятининг оқсоқолини билмайдиган, унинг шеърларидан бебаҳра кишини топиш қийин.

Ғафур Ғулом ижоди кўп қирралидир. У чинакам поэзия намуналарнигина яратиб қолмай, балки ўзини атоқли прозаик сифатида ҳам кўрсатди. Унинг ажойиб завқ берадиган чуқур ғоявий ҳикоялари ва повестлари адабиётимизнинг олтин фондида ҳали ҳам муносиб ўрин олиб турибди, бугун ҳам актуал жаранглямоқда.

Ғафур Ғулом болалар учун ҳам бир қанча ажойиб асарлар яратди. Шоирнинг бу асарларида ўсиб келаётган навқирон авлод тўғрисида оталарча ғамхўрлик бор.

Ғафур Ғулом кекса журналистларнинг бири, моҳир фельетончи ва ажойиб публицистдир.

Ғафур Ғуломнинг адабиётшунослик, адабиёт тарихи ва бадиий таржима соҳасидаги хизматлари каттадир. У ўз тадқиқотлари билан фанни анча бойитди.

Ғафур Ғулом ёзувчи ва олимгина эмас, у актив жамоат ва давлат арбобидир. Халқ унга юксак ишонч билдириб, шоирни республика Олий Советига бир неча бор депутат қилиб сайлаб келмоқда.

Никита Сергеевич Хрушчев партия ва ҳукумат раҳбарларининг яқинда ижодий интеллигенция билан бўлган учрашувида сўзлаган нутқида бундай деган эди:

«Бизнинг халқимизга жанговар революцион санъат керак. Совет адабиёти ва санъати коммунизм қурилаётган буюк ва қаҳрамон давримизни ёрқин бадиий образларда гавдалантириб бериши, турмушимизда янги, коммунистик муносабатларнинг қарор топаётгани ва ғалаба қилаётганини ҳаққоний акс эттириши лозим. Санъаткор ижобий нарсаларни кўра билиши, воқелигимизнинг моҳиятини ташкил этувчи ана шу ижобий нарсалардан қувониши, уни қўллаб-қувватлаши ҳамда айни маҳалда салбий ҳодисаларга, турмушимизда янгиликнинг туғилишига ҳалақит бериб турган жамийки иллатларга бефарқ қараб турмаслиги керак, албатта».

Бундай олижаноб вазифаларни бажариш сўз санъаткоридан ўзининг давр, халқ ва партия олдидаги мавқеини, масъулиятини аниқ, равшан ва чуқур тушунишни, ўзининг куч ва қобилиятини, бутун ғайратини тўплаб, ўз маҳоратини ҳамиша такомиллаштиришга ва ижоднинг юксак чўққиларига чиқиш учун интилишга сарфлашни талаб этади.

Ғафур Ғулом ижодий куч-ғайрати, қобилиятининг гуллаб-яшнаган пайти ҳозир. Ўзининг машҳур асарлари билан халқ миннатдорчилигига сазовор отахон шоир бундан, кейин ҳам партия чақириғига муносиб жавоб қайтаришига аминмиз.

Унинг узоқ йиллар умр кўришини, халқимизнинг юксак дидига мос янада гўзал, ранг-баранг ва муаттар шеърий гулдасталар беришини чин қалбдан истаймиз.

# ТОМОШАЛАР. ЭЪЛОНЛАР

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**11 МАЙДА**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **XI шаҳар спартакиадасининг очилиши**, 18.00— **Телевизион янгиликлар.**

Ўзбек тилида: 18.15 — **Концерт** (болалар учун), 18.45—**Шоир Ғафур Ғулом туғилган кунинг 60 йиллиги** (адабий эшиттириш).

Рус тилида: 19.15 — **Телевизион янгиликлар**, 19.30 — **Концерт** (телетомошабинлар талабига мувофиқ), 20.40 — **Одамнинг сояси қочди** (кинофильм), 20.50 — **Барон Мюнхгаузен** номли бадиий фильм.

Ўзбек тилида: 22.10 — **Концерт** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.40—**Растеряев кўчасининг одатлари** (рус тилида фильм-спектакль).

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/V кундуз Боғчасарой фонтани, кечқурун **Русалка.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/V да **Булутлар тарқалса...**, 12/V да кечқурун **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/V да **Ғазал фожиаси**, кечқурун **Ишқинг билан.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 12/V кундуз соат 4 да «**Чет эл Шарқи халқларининг қўшиқ ва рақслари**» деган темада сўнгги концерт-лекция (студентлар учун 5-абонемент бўйича).

## КИНО

**ҚИШКИ БИНОДА**

**Икки жаноб «Н»** — «ВАТАН», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ВОСТОК», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

**Черёмушки** — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

**Қирол болалари** — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун).

**Учинчи тайм** — НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ДРУЖБА» (1-залда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2 ва кеч 8 да).

**Ун иккинчи тун** — «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 ва кеч 10 да).

**Катта олимпиада** — КИНОЛЕКТОРИЙ (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2, 4 ва кеч 9 ярим да).

**Жиноятчилар иши** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

**Швейк фронтда** — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

**ЕЗГИ БИНОДА:**

(Сеансларнинг кечи соат 8 ярим ва 10-15 минутда бошланади)

**Черёмушки** — «ВАТАН», ПУШКИН номли.

**Учинчи тайм** — НАВОИЙ номли, «ХЕВА», ТЕЛЬМАН номли.

## Диссертация ёқлайдилар

**1963 йил 21 май** кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети механика-математика факультетининг илмий совети мажлисида (К. Маркс кўчаси, 35-уй, 163-аудитория)

**М. И. Тўлаганова**

физика-математика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Алгебраик сонлар майдони учун Гольдбах Эйлер проблемасига доир баъзи бир текширишлар» деган темада.

Диссертация билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

**1963 йил 22 май** кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Химия фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Куйбишев кўчаси, 14-уй, химия институтлари кутубхонаси) химия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

**Т. Ортиқбоев:** «Хлорид кислотаси эритмасидан германийнинг экстракциланиш процессига тузлантирувчиларнинг таъсир қилиш механизми ҳақида» деган темада.

**Ш. М. Раҳимбоев:** «Портланд ва глиеж-портланд цементнинг сульфатга қарши туришига гидротермаль ишлашнинг таъсири» деган темада.

**1963 йил 22 май** кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Физика-математика фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Обсерватория кўчаси, 85-уй, Физика-техника институтининг конференц-зали)

**М. Сайдаматов**

физика-математика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Пфафф тенгламаларини интеграллаш назариясига доир» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

**1963 йил 23 май** кундуз соат 12 да, Қишлоқ хўжалик институтининг илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 90-уй, 45-аудитория) қишлоқ хўжалик фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

**Б. Н. Куликов:** «Москва областининг қумлоқ тупроқли ерларида чумиза агротехникаси масалалари» деган темада.

**Ю. Ҳ. Ҳусанбоев:** «Ҳар хил миқдорда ўғитланган бўз тупроқда ғўзани суғориш норматси» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Киров кўчаси, 22-уй).


ТОШКЕНТ МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ ТЕХНИКУМИ
СИРТДАН ЎҚИШ ҲУЗУРИДАГИ
1963/64 ўқув йилида
**кутубхоначилик ва клуб бўлимларига**

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Кутубхоначилик бўлими республика кутубхоналари учун кутубхона ходимлари тайёрлайди.**

Ўқиш муддати: 10-синф ҳажмида маълумоти бўлган кишилар учун — 2 йил, 7-синф ҳажмида маълумотлилар учун — 4 йил.

**Клуб бўлими бадиий ҳаваскорлик тўгараклари раҳбарлари, халқ чолғу асбоблари созандалари, хорчилар, театр коллективлари раҳбарларини тайёрлайди.**

Ўқиш муддати: Ўрта маълумотлилар учун — 3 йил, 7-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун — 4 йил.

Аризалар директор номига ёзилади ва қуйидаги ҳужжатлар қўшиб берилади: маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ва копияси, таржимаи ҳол, 3х4 сантиметр катталигида 3 та фотокарточка, медицина справкаси, турар жойдан справка, иш жойидан характеристика ва справка.

Аризалар ҳозирдан август ойигача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонларига техникум чақиригандан кейин келадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза кўчаси, 10-уй, телефон 4-35-64, 4-35-52.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
1963 йилда қуйидаги ихтисослар юзасидан
АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун:** назарий механика, ҳаракатли состав ва тортиш кучи, металлшунослик ва металларни термик усулда ишлаш, қурилиш материаллари, деталь ва буюмлар ихтисосларига.

**Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун:** материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси, ҳаракатли состав ва тортиш кучи, металлшунослик ва металларни термик усулда ишлаш, деталь ва буюмлар, темир йўл транспорти экономикаси, ташкил қилиш ва планлаштириш ихтисосларига.

Аризалар 25 майгача қабул қилинади, конкурс кириш имтиҳонлари 10 июндан бошланади.

Қабул шартлари — ҳамма олий ўқув юртлари учун белгиланган тартибда.

Ариза билан тегишли ҳужжатларни топшириш учун адрес: Тошкент шаҳар-45, Оборонная кўчаси, 1-уй.

ТЕМИР ЙЎЛ РЕСТОРАНЛАРИ ВА БУФЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН ТРЕСТИГА
бухгалтер-ревизор, Урсатьевская станцияси ресторанининг старший бухгалтери

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Привокзал кўчаси, 9-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

ХИМИЯ САНОАТИ БОШҚАРМАСИНИНГ
Тошкент викель заводи
ТУГАТИЛАДИ

Даъволар 23/V гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Малобешагачская кўчаси, 126-уй.

Касаба союзлари курортларини бошқарувчи Ўзбекистон республика совети, «Чинобод» санаторийсининг партия, касаба союз ташкилотлари ва коллективи санаторий бош врачи Раҳим Жўраевич Отабековга отаси
ЖУРАБЕК ОТАБЕКОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ — «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

КОММУТАТОР — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258. Редакция телефонлари: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914 29323. Масъул секретарь — 34455 Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780 Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат—32035. 27221. Фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 34461. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация—34524. Стенографистка—27343 Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р. 06925. Индекс 64543. Нашр. № 110.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ